

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Катта ўқитувчи Л.Ибрагимова

Ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини ўстириш педагог ҳамда методист олимлар олдида турган энг долзарб муаммолардан бири, таъбир жоиз бўлса, энг асосийсидир. Тафаккурни, хусусан, ижодий тафаккурни ўстириш ўқувчи томонидан янги ақлий фаолиятни ўзлаштиришга йўналтирилган жараёндир. Демак, ўқитувчи бу жараёнда фақат билимларнигина эмас, ўқув кўникма ҳамда малакаларининг шаклланнишига ҳам алоҳида эътибор бермоғи жоиз кўринади.

Давлат таълим стандартлари асосида яратилган она тили дастурларида «ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар» деган маҳсус бўлим бор. Кузатишларимизнинг кўрсатишича, амалиётда барча ўқитувчилар ҳам бу талабларга бир хилда ёндошмайдилар. Улар кўпроқ ўқувчиларнинг билимини шакллантиришга эътибор беришади-ю, кўникма ва малакаларни ё эсдан чиқаришади, ёки уларга иккинчи даражали аҳамият беришади. Ваҳоланки, ўз вақтида ҳамда тўғри шакллантирилган кўникма ва малакалар ўқувчиларнинг таълим-тарбия соҳасида эришадиган муваффақиятларининг муҳим воситаси бўла олади.

Аслида билим ҳамда кўникма ва малакалар орасида узвий боғланиш мавжуд. Кўникма деганда биз амалиётдаги, харакатдаги билимни тушунамиз. Билим бўлмаса, ҳеч қандай кўникма ёки малака ҳакида гапириш мумкин бўлмайди. Билимларни кўникма ва малакаларсиз ўзлаштириш ҳам, сақлаш ҳам, кўпайтириш ҳам мумкин эмас.

Она тили дарсларида сўзларни тўғри талаффуз қилиш, ёзиш, гапни тўғри, аниқ, таъсирли шакллантириш, оғзаки ҳамда ёзма нутқ равонлигига, аниқлиги ва таъсирчанлигига эришиш шаклидаги вазифалар кўп учрайди. Бу вазифаларни бажаришга эришиш ўз-ўзича бўлмайди. Бунинг учун муайян харакат, муайян амалий фаолият талаб қилинади. Биз кўпинча, уларни таълим усуслари сифатида тан оламиз. Айни ана шу таълим усусларининг охир-

оқибатдаги натижаси уларнинг кўникма ва малакаларга айланишидан иборатdir.

Мавжуд иш усулларининг кўпида, жумладан, кўплаб методик адабиётларда ҳам таълим жараёнидаги энг муҳим бўғин–ўқувчиларнинг ўзлари бажараётган ҳаракат ёки фаолиятларини англаб етишлари алоҳида тадқик этилмайди. Сўнгги натижа, асосан, ўқитувчининг талаби сифатида намоён бўлади. Бу талабларнинг энг «фаоллари» сифатида, ўқи, ўйла, қара, бажар, такрорла, ёд ол ва бошқаларни келтириш мумкин. Афсуски, мазкур топшириқларни бажариш йўллари деярли кўрсатилмайди. Тажрибаларнинг кўрсатишича, кўплаб ўқувчилар сўнгги натижага қатор синов ва хатоликлардан кейин эришадилар, аммо бу йўл ҳаддан ташқари узоқ ва самараси ҳам паст йўлдир.

Дарслик материали билан танишиш жараёнида ўқувчиларда ифодали ўқиш, бадиий ҳодисаларни кузатиш, уларни ўзаро қиёслаш, адабий ҳамда филологик ҳодисаларни таҳлил қилиш, амалий ишларни бажариш каби кўникма ва малакалар шаклланади. Мана шулар асосида ўқувчиларда билимларни эгаллашга оид фаолиятли ёндошув амалга оша бошлайди.

Хўш, бу фаолият натижалари нималарда намоён бўлади, уни кузатища кўриш мумкинми? Албатта, мумкин. Ўқувчиларнинг мазкур фаолиятлари тавсифлар тузиш, муайян жадвалларни тўлдириш, тегишли ўкув расмлари ва чизмаларини чизиш, фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва бошқа йўналишлардаги машқларни бажариш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш тарзидаги ишлар жараёнида очик кўринади.

Методикада ҳар бир кўникма ва малаканинг муайян ўкув усуллари асосида шаклланиши яхши маълум. Баъзан бу усуллар дарсликларда акс этган бўлиши мумкин. Биз дарсликлар саҳифасида «Матнни ўқинг, ундаги тасвир воситаларини топинг», «Матндаги зид маъноли сўзларни белгиланг», «Матндаги кўчма маъноли сўзларни топинг, уларнинг ўз ва кўчма маънолари орасидаги боғланишларни топинг». «Куйидаги матндаги тасвирга эътибор беринг. Ундаги асосий маъно қайси таянч сўзлар асосида юзага чиқаётганига

эътибор беринг» тарзидаги кўрсатма ва топшириқларга дуч келамиз. Аммо бу хилдаги савол ва топшириқлар ҳам унчалик кўп эмас. Ҳар ҳолда бу ишнинг ҳам анчайин мураккаб ва оғир эканлигини, ўқитувчи-педагогларимиздан катта тажриба ҳамда юқори маҳорат талаб қилишини таъкидлашимиз жоиз.

Ўқув ишлари орасидаги энг кенг тарқалган тур сифатида кузатишни кўрсатишимиз мумкин. Кузатишнинг асосий хусусияти муайян тил ёки адабий ҳодисанинг асосий хусусиятларини аниқлашдан иборатdir. Бунинг учун қуидаги амалларни бажариш тақозо этилади: *кузатишнинг мақсадини тўла англаб олиши, матн ёки адабий ҳодиса билан тўлигича танишиши, матн белгиларини ажратма бориши, матн хусусиятларини хаёлан муайянлаштириши, натижаларни ёзувда акс эттириши, кузатиш натижаларини қўйилган мақсад (вазифалар)га мувофиқлигини текшириши, унга мос хулоса чиқариши.*

Кузатиш натижаси шу матнга берилган тавсифдир. Бу усул қуидаги амалларни бажаришни тақозо этади:

1. Матн мазмунининг тавсифланиш мақсадини англаш.
2. Матннинг таркибий қисмларини хаёлан ажратиб чиқиш.
3. Матндаги кузатилаётган белги ва хусусиятларни ажратиш.
4. Қисм ва ҳодисалар орасидаги алоқадорлик тартибини белгилаб чиқиш.
5. Матндаги асосий хусусиятларни (ҳажм, шакл, манзара, қиёфа... ва бошқалар тасвирини) санаб кўрсатиш.
6. Матн ёки адабий парчани ҳиссий қабул қилиш воситасида оғзаки ёки ёзма тавсиф тузиш.

Фикримизни тушунтиришни осонлаштириш учун биз биргина усулни-қиёслашни ажратиб олайлик. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, ўқувчи унинг воситасида адабий, лисоний ҳодисалар орасидаги яқинлик ёки тафовутни осон белгилайди. Мисол сифатида биз қуидаги иккита матнни кўришимиз мумкин. Улардан бири халқ оғзаки ижодига, иккинчиси ёзма адабиёт (А.Орипов)га оид. V синф «Адабиёт» дарслигига «Уч оға-ини ботирлар» эртаги берилган. Биз қиёс учун ушбу эртакдан истаганча микроматнларни топа оламиз. Бу усулни

амалга ошириш учун эса қуидаги тартибга риоя этиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Ҳар бир қаҳрамонни кузатиш, унга хос бўлган хусусиятларни ажратиши;
- Қиёслаш мумкин бўлган белги ва хусусиятларни аниқлаш;
- Бир хилдаги белги, хусусиятлар, тасвирларни муайянлаштириш;
- Ўхшаш белгиларни ажратиши;
- Фарқли белгиларни кўрсатиши;
- Бу белгиларнинг лисоний ифодаларига эътибор қаратиши.

Матн таҳлили кўникмасини ҳосил қилиш учун дастлаб жисмоний фаолият – матнни ўқиши ҳамда уни мантиқий қисмларга ажратиши талаб қилинади. Эртак мисолида кўриладиган бўлса, ўқувчилар уни бир неча мантиқий қисмларга ажратиши мумкин.

Бунда мазкур кўникмани шакллантириши учун ўқувчилар эътибори қисмларнинг ўзаро жойлашишига, уларнинг бир-бири билан алоқасига тортилади. Асарнинг композицион қурилиши, сюжети, бадиий асар тилини ўрганишга оид амалий ишлар бажарилганида ўрганилаётган матннинг ҳар бир қисмига оид номларни айтишини талаб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчилар бу қисмларни фақат ажратибгина қолмасдан, уларни боғловчи воситаларни, улар орасидаги мантиқий алоқадорликни, энг муҳими ана шу мантиқий алоқадорликни таъминлаб турган таянч сўзларни ҳам кўриши, ҳис этиши лозим.

Масалан, улар ака-укалар тасвирини кузатиб, бу ердаги бир хил қаҳрамон типларини ажратар экан, ана шу бир хиллиқдаги тафовутларни ҳам ажратиб бериши керак. Ёки тасвирдаги бир хиллик, айни пайтда шу бир хиллиқдаги тафовут тасвирлаб бериши керак.

Шунингдек, йўл чарчоги, қоронғи кеча, навбатчилик, уч ака-уканинг ўз вазифаларига масъулият билан қарashi, ботирлик, мардлик, меҳрибонлик тақрорлангани ҳолда воқеа содир бўлаётган жой тасвири (ўрмон, тоғ этаги,

подшоҳ саройи), ёвуз кучларнинг тури (шер, аждар, қароқчилар) в.б. даги тафовутлар очик кўрсатилиши керак.

Ана шундай таҳлил давомида ўқувчилар аста-секинлик билан абстракт фикрлашга ўта боришади, яъни бир предметга хос бўлган белги ва хусусиятларни бошқасиникидан ажратади.

Абстракциянинг намоён бўлиш шакли ҳам ўзгариб боради. Улар схема, диаграмма, расм, тавсиф сингари шаклда кўринади. Булар эса ўз навбатида умумлаштириш жараёнининг асоси бўлиб хизмат қиласди.